*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

O'zbekiston Liberal-Demokratik Partiyasi · Tadbirkorlar va Ishbilarmonlar Harakati – O'zLiDeP

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 21 июль, пайшанба
29 (401)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



**Миробод туманида партиянинг 108 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз сафига 3245 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда**

04 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



**Жорий йилнинг ўтган даврида «Агробанк» томонидан кичик бизнес субъектларининг 171,8 млрд. сўм миқдоридаги 4626 та лойиҳаси молиялаштирилди**

06 ИҚТИСОДИЁТ



**1996 йилда Ўзбекистонда 25 мингта замонавий автоулов ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткични 225 мингтага етказиш режалаштирилган**

08 ИСЛОҲОТ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 15-бандига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ҳукумат томонидан амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар дастури ҳақидаги ҳисоботини эшитди. Шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Таъкидландики, Концепция мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини изчил демократлаштириш, ҳокимият тармоқларга бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, шунингдек, демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда янги босқични белгилаб берди.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқаришда амалий қадам бўлди, бинобарин бу марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини бажариш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини, ваколатларини кучайтиришнинг муҳим омили бўлди.

Маърузада таъкидланганидек, ҳукумат бозор ислоҳотларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини бажариш мақсадида 2011 йилнинг биринчи ярмида ҳукумат томонидан «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди.

2 ►►



# *Нурли келажакка юз тутган воҳа*

**Истиқлолимизнинг ўтган 20 йилида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Қашқадарёда ҳам асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, улар мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихи солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилиши шак-шубҳасиздир**

Мамлакат саноатининг гигант корхоналари ҳисобланмиш «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси, «Таллимаржон» иссиқлик энергетика станцияси, Муборак нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак унитар шўъба корхоналари сингари ўнлаб йирик мажмуалар модернизация қилиниб, улар фаолиятида энг янги технологиялар қўлланила бошлагани саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини жаҳон андозаларига олиб чиқиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида Қашқадарёда пахтачилик ва ғаллачиликда ҳам ўзига хос мактаб яратилганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда вилоятнинг кўз илғамас яйловларида боқилаётган минг-минглаб чорва моллари, Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ каби жаннатмакон гўшаларда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари бугун нафақат вилоят, балки бутун мамлакат аҳолиси дастурхонига ҳам файз-барака киритмоқда.

3 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

### Янги авлодга фаоллик ва ташаббускорлик ярашади

**Жамиятимиз ҳаётида тобора чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ёшларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Янги авлод вакиллари она-Ватанимиз олдидаги юксак фарзандлик бурчини тўла ҳис этиб, ислоҳотларнинг олдинги сафида бўлиш, ўз куч ва имкониятларини эзгу мақсадлар йўлида сарфлашга интилмоқдалар. Юртбошимиз томонидан ёшларга жуда катта ишонч билдирилаётганининг боиси ҳам ана шунда. O`zLiDeP ҳам ана шундай муҳим вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, ёшларнинг ғоявий тарбияси ва маънавий камолоти йўлида изчил ишлар олиб бормоқда.**

04 ►

## Ислоҳотлар натижаси пойтахт мавқеига яраша бўлиши керак

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган иккита масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари ва Учтепа туман ҳокимининг ҳисоботлари эшитилди**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида — парламент палаталаридан тортиб халқ депутатлари маҳаллий кенгашларигача — қабул қилинган қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини назорат қилиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда уларга ечим топиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқишда сиёсий партиялар ролини кескин оширганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар ҳам ана шу фикрни исботлади, дейиш мумкин. Айни пайтда 60 нафар депутат фаолият кўрсатаётган кенгаш аъзоларининг 25 нафарини O`zLiDeP, 18 нафарини ЎзХДП, 7 нафарини «Миллий тикланиш» ДП ва 10 нафарини «Адолат» СДП вакиллари ташкил этмоқда. 16 июль куни бўлиб ўтган сессия муҳокамасига O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга қаратилган иккита долзарб масала киритилиб, улар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари ва Учтепа туман ҳокимининг ҳисоботлари эшитилди.

3 ►►

## Информацион билдириш

**"Тошкент" сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2011 йил 20 июль тунги соат 00.35да мамлакатимиз ҳудудида ер силкиниши қайд этилди. Зилзила эпицентри Тошкент шаҳридан 235 километр узоқликда, жануби-шарқий йўналишда, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари чегарасида бўлиб, у ерда ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7-8 баллни ташкил этган. Ернинг силкиниш кучи Андижон ва Фарғона вилоятларида 5 балл, Наманган вилоятида 4 балл, Тошкент шаҳрида эса 5 балл даражасида қайд этилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотларига кўра, зилзила оқибатида Фарғона вилоятининг Риштон, Бағдод ва Ўзбекистон туманларида айрим эски уй-жойларга шикаст етган. Бунинг оқибатида 13 нафар фуқаро ҳалок бўлган, жароҳат олганлардан 86 нафарига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 35 нафари шифохоналарга ётқизилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг топшириғига биноан республика ҳукумати томонидан табиий офат оқибатларини бартараф этиш, жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**Мамлакатимиз раҳбарияти зилзила оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.**

(ЎзА)

### Саккизинчиси ҳам қўнди

16 июль куни Тошкент халқаро аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК томонидан харид қилинган навбатдаги «А 320» ҳаво лайнери келиб қўнди. Таъкидлаш жоизки, бир йил аввал айнан шу куни миллий авиакомпаниямиз ва «Airbus S.A.S» консорциуми ўртасида ўнта «А 320» ни сотиб олиш бўйича имзоланган шартномага мувофиқ мазкур русумдаги дастлабки самолётни кутиб олиш маросими бўлиб ўтган эди. Маълумотларга кўра, 2010 йилнинг 19 июлида доимий рейсларни амалга ошира бошлаган мазкур русумдаги самолётларнинг қолган иккитаси жорий йилнинг охирига қадар Ўзбекистонга етказиб берилади.

### «Кўҳна қалъа»га кираверинг

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига бағишлаб Косон шаҳрининг Равот маҳалласида 420 та савдо ўрнига эга бўлган «Кўҳна қалъа» савдо мажмуаси қад ростлади. Мажмуа замонавий кўринишга эга бўлиб, махсус савдо расталари ва ёпиқ савдо дўконларидан иборат. Бундан ташқари, мажмуада «Микрокредитбанк» ОАТБ филиалига қарашли мини банк, гўзаллик салони, ошхона ҳамда сартарошхона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундай кошонанинг ишга туширилиши ҳудуддаги тадбиркорлар билан бирга шаҳар аҳолиси учун ҳам қатор қулайликлар яратди.

### Қишлоқда тикувчилик корхонаси

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ Шофиркон туманининг Наққош қишлоғида тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бухоро вилояти филиалининг молиявий кўмагида корхона цехларига замонавий тикув машиналари ўрнатилди, етарли миқдорда хомашё захираси яратилди. Корхона болалар кийим-кечаклари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, маҳсулотлар ҳозирча ички бозорга чиқарилмоқда. Кейинчалик экспорт ҳам қилинади. Қирқ нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Йил охирига бориб, корхона ишчилари сонини 100 кишига етказиш кўзда тутилган.




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 19 ИЮЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↓ 1824,88 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1722,40 | 1 Хитой юани | ↑ 266,36 | 1 Туркия лираси | ↓ 1039,22 | 1 Япония иенаси | ↑ 217,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2772,89 | 1 Миср фунти | ↑ 289,38 | 1 Малайзия ринггити | ↓ 571,75 | 1 Швейцария франки | ↓ 2020,40 | 1 Россия рубли | ↓ 61,24 |
| 1 Дания кронаси | ↓ 325,00 | 1 Исландия кронаси | ↓ 14,61 | 1 Польша злотийси | ↓ 601,71 | 1 ЕВРО | ↓ 2426,31 | 1 Украина гривнаси | ↑ 216,08 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 468,40 | 1 Канада доллари | ↑ 1799,41 | 1 СДР | ↑ 2739,17 | 1 Жанубий Корея вони | ↓ 16,23 | | |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига (бундан буён матнда Давлат дастури деб юритилади) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. Кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвидли маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларини ва олиб кириладиган технология асбоб-ускуналарини сертификатлаштириш тартибини анча соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси ташкил этилди, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни яратилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоиз, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

Шу билан бирга Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиб шуни таъкидлайдики, бозор иқтисодий ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида янада илгарилаб бориш бўйича ҳукумат томонидан олиб борилаётган иш ҳозирча Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қўйилган талабларга жавоб бермайди, жорий йил учун тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури эса белгиланган муддатлардан жиддий равишда орқада қолиб амалга оширилмоқда.

Бундай вазият, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маърузасида баён қилинган иқтисодиётни ислоҳ қилишни ва биринчи навбатда, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган барча ишни янги даражага кўтаришнинг қатъий зарурлиги тўғрисидаги талабларга дахлдордир.

Бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги барча ғовларни бартараф этиш, ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам берадиган, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлайдиган, хусусий мулк кўламларини кенгайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улуши ошишига кўмаклашадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш жуда муҳим.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвесторлар жалб этилишини рағбатлантириш, хусусий мулк реал иқтисодиёт соҳасида, биринчи навбатда, саноатда ва унинг етакчи тармоқларида етакчи ўринни эгаллашига эришиш ўз ечимини талаб қилаётган долзарб масаладир.

Давлат ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳолларига тоқат қилиб бўлмайди, уларни таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш керак.

Мажлис давомида таъкидландики, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини рўёбга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига самарали қарши туриш, шунингдек иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Шу билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволи, кўпгина мамлакатларда давлат қарзининг ўсиши, бюджет тақчиллигининг кўпайиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида давлат харажатлари жиддий камайишига, жаҳон молия бозорини мустаҳкамланмаган пул массаси билан тўлдиришга олиб келаётганлиги каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам албатта дахл қилиши назарда тутиладиган бўлса, бизни жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Шу жиҳатдан олганда иқтисодиётдаги, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар илдам ривожланишини таъминлаш борасидаги тузилмавий ўзгаришларнинг орқада қолаётганлиги, инновацион технологияларни жорий этишнинг ҳолати ташвишга солмоқда.

Иқтисодиётни диверсификациялаш масалалари жуда жиддий эътиборни талаб қилади. Инвестиция дастурига киритилган корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатидан янгилашнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишида ва бир қатор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишида қолоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда, энг аввало, Навоий иссиқлик электр станциясида газни сиқиб ўтказувчи компрессор станцияси, республика минтақаларида автомобилларни газ ёнилғиси билан таъминловчи компрессор станциялари тармоғи қурилиши, «Сирдарё иссиқлик электр станцияси — «Лочин» подстанцияси» 500 кВ ҳаво йўлини реконструкция қилиш, шунингдек «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида уй-рўзғор маиший техникаси ишлаб чиқариш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ лойиҳалар назарда тутилмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг, энг аввало, истеъмол товарларининг сифати, ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги масалалари жиддий бўлиб қолмоқда. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш борасидаги ишлар мутлақо етарли эмас. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг тахминан 10 фоизи ҳозирги кунда корхоналар омборларида қолиб кетмоқда. Мебель ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси маҳсулотлари, ип-газламалар, мева-сабзавот консервалари ва бошқа шу кабилар тайёр маҳсулотлар қолдиқларининг энг кўп миқдорини ташкил этади.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилишини таъминлаш мумкин бўлган товарларнинг кўп турларини, энг аввало, истеъмол товарларини импорт қилиш давом этмоқда. Булар жумласига кондиционерлар, совутгичлар, кимёвий иплар, парфюмерия-косметика ва ювиш воситалари, болалар ўйинчоқлари, ёритиш асбоб-ускуналари, маргарин, сариёғ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бир қатор тармоқлар ва корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб бораётганлиги, олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш борасидаги аҳвол жиддий ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас. Энг кўп кредиторлик ва дебиторлик қарзлари «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида юзага келган бўлиб, жами дебиторлик қарзларининг 91,1 фоизи ва кредиторлик қарзларининг 81,8 фоизи ана шу корхоналарга тўғри келади.

Умуман олганда зарар кўриб ишловчи корхоналар камайган бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарнинг сони кўплигича қолмоқда. Уларнинг аксариятини коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ташкил этади. «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида молиявий жиҳатдан оғир аҳвол сақланиб қолмоқда, ушбу жамиятда банкротлик тартиб-таомилларини амалга ошириш бошланган.

Олий Мажлис шуни таъкидлайдики, сўнгги йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган жами 400 тадан ортиқ қонун қабул қилинди. Айни вақтда қабул қилинган қонунларни амалга ошириш бўйича ёндашувлар жиҳатидан ҳам, уларнинг ижросини назорат қилиш жиҳатидан ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини тубдан ўзгартириш талаб қилинди. Бу эса, биринчи навбатда, қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилишини назорат қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганлигидан, шу жумладан, депутатлар корпусининг эътибори сустлигидан далолат беради.

Жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари томонидан ўтказилган текширувларнинг якунлари бўйича давлат бошқаруви органларининг 169 та ғайриқонуний қарори бекор қилинди, 742 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди, уларнинг 45 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 100 нафардан ортиғи эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Концепцияда, Давлат дастурида мамлакатда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш якунларини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлисида муҳокама қилиш, муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни, ушбу Қарорнинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар мажмуини белгилаш;

Концепциянинг VI бўлимида ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мунтазам равишда қатъий назорат қилинишини, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ушбу вазифалар сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишни таъминлаш;

иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги учун тегишли жавобгарлик чора-тадбирларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш, улар фаолиятидаги бюрократизм, расмиятчилик, коррупция кўринишларига қарши курашиш юзасидан қонунда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Чет эл инвестицияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини, янги таҳрирдаги Божхона кодексини ўз вақтида сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш ва шу йилнинг III чорагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш;

Концепция қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган ва катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни, шу жумладан бу ишга тижорат ва тадбиркорлик тузилмалари, жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб этиш йўли билан ташкил этиш;

экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашни ва юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, илмий ечимлар талаб қиладиган, юқори технологияли экспортга мўлжалланган саноат ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

2011 йилнинг II ярмида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари рўйхатини ва давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, қабул қилинган қарорларни амалга оширишда масъулиятсизликка, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун ортиқча бюрократик тўсиқлар ва ғовлар яратилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан қўшимча таклифлар киритиш;

жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўзларининг эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ҳисобидан иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари дирекциялари, ўқувчилар ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда бажариш, шунингдек касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш қандай бораётганлиги мониторинг қилиниши ва ҳар ойда танқидий кўриб чиқилишини таъминлаш.

3. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш; тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш; кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортиқча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-тадбирларини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритишни жадаллаштиришлари зарур, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг батафсил ва ҳар томонлама экспертиза қилинишини, бу соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ўртасидаги бир-бирини такрорлашлар ва қарама-қаршиликлар истисно этилишини таъминлаш;

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириши ҳолатларига йўл қўймасликка, шу жумладан вазирликлар ва идораларнинг, вилоятлар ҳокимларининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклайдиган қонун ости ҳужжатларини, қарорларини бекор қилишни таъминлаш орқали йўл қўймасликка; бу соҳада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида таклифлар тайёрлашга қаратилган ишларни кучайтирсин;

давлат бошқаруви органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунлар ижросига риоя этилиши устидан, қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, эркин, нотўғри талқин қилиниши ва қўлланилишига йўл қўймаслик устидан қатъий назорат қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ–1438-сонли Қарорига мувофиқ банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва уни мустаҳкамлаш, 2011-2015 йилларда тижорат банкларининг жами капиталини 2,1 баравар кўпайтириш;

кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларига бўлган асосланган эҳтиёжларини, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик янгилашга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда таъминлаш;

банк ва бошқа молия хизматлари бозорида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларига, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишда бюрократизм, сансоларлик ҳолатларига йўл қўймаслик;

тижорат банкларининг қонун ҳужжатларига, мижозлар билан ишлашдаги ишбилармонлик ва касб одобига риоя этиш борасидаги фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга қуйидагилар тавсия этилсин:

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, Давлат дастурининг иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қисмида назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув учун, бундай ҳолатларга давлатнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир сиёсатига қарши туриш сифатида қараб, мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чора-тадбирлар кўриш;

минтақаларда янги замонавий кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун ер участкаларини ҳамда тайёр муҳандислик-коммуникация тармоқларига эга бўлган, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ўз вақтида ажратиш масалаларини ҳал этишни алоҳида назоратга олиш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда фуқаролик институтлари, энг аввало фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан самарали алоқани, ижтимоий шериклик муносабатларини изчил чуқурлаштириб боришни таъминлаш;

ташкил этилган иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари:

қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин, қўмиталар, депутатлар ва сенаторлар демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва муҳимлигини жойларда тушунтиришга доир ишларда фаол иштирок этишига эришсин;

киритилаётган қонун лойиҳалари мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг бориши эҳтиёжларини, мамлакатимизда тўпланган ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда чуқур танқидий таҳлил қилиниши ҳамда ишланишини таъминласин;

назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида парламент эшитувларига киритилаётган масалаларни чуқур ўрганишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ ва асосланган таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратсин, бу ишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кенг иштирок этишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати:

Сенат қўмиталари минтақаларга бориб, ушбу қўшма қарорнинг қандай бажарилаётганлигини, шу жумладан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари томонидан бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган парламент эшитувларини ўтказишини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш чоғида, ушбу қарорда белгиланганидек, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига асосий эътиборни қаратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш якунларини навбатдаги мажлислар ва сессияларда муҳокама қилиш;

Концепциянинг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қоидалари, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳудудий дастурлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилишининг бориши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

10. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери**

**Д.Тошмуҳамедова**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

**И.Собиров**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 15 июль.*

# Ислоҳотлар натижаси пойтахт мавқеига яраша бўлиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

— Депутатлик гуруҳимизнинг 2011 йил 24 июндаги йиғилишида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ҳақида»ги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг Учтепа туманидаги ижроси ўрганилиб, мазкур масалаларни сессияга киритиш ҳақида қарор қабул қилган эдик, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Тошев. — Бунинг учун махсус комиссия ташкил этилиб, шаҳар ҳокими ўринбосари ва Учтепа туман ҳокимига уларнинг ҳисоботлари эшитилиши юзасидан депутатлик сўровлари юборилди.

Очиқ мулоқот ва фикр алмашувлар тарзида ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияси иштирокчиларининг таъкидлашича, O`zLiDeP аъзолари томонидан олиб чиқилган масалалар бугунги кунда долзарблиги билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлиддин Зияев ҳисоботида 2011 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 55,4 фоизни ташкил этгани, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 бандга ортгани таъкидланди. Ҳисобот даврида 3870 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони жорий йилнинг 1 июль ҳолатида 37473 тага етган. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида Тошкентда ўтган 6 ойда жами 328675,0 сўмлик ишлар бажарилиб, йиллик режа 64,2 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, маърузада қулай бизнес муҳитини максимал даражада яратиш, хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, назорат қилувчи органларнинг бизнес субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Фазлиддин Зияевнинг таъкидлашича, шаҳар ҳокимлиги веб-сайтида (www.toshkent.uz) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланиб, хусусий сектор фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўйича шикоятларни қабул қилувчи махсус бўлим очилган. Интернетда «poytaxt.uz» порталини яратиш учун шаҳар ҳокими қарори билан 70 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилган.

Бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Ҳафтанинг жума кунлари барча туманларда «Тадбиркорлар куни» деб эълон қилинган. Ҳисобот даврида 29 та ана шундай тадбир ўтказилиб, унда жами 636 нафар тадбиркор иштирок этган ва 61 та мурожаатнинг 56 таси ижобий ҳал этилган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган катта эътибор туфайли пойтахтдаги тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларининг 3100 та лойиҳасини молиялаштиришга 753,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Ана шу маблағнинг 54,3 млрд. сўми микрокредитлардир. Шунингдек, ҳисобот даврида 37 млрд. сўмлик лизинг хизмати ҳам кўрсатилиб, тадбиркорларга ажратилган жами кредитлар ҳисобидан 6 мингта янги иш ўрни яратилди.

Бироқ, депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган таҳлиллар натижаларига қараганда, бундай ижобий ўзгаришлар барча жабҳада ҳам бирдек кечмаётир. Хусусан, ўтган олти ойда Тошкент шаҳрида яна 4 та корхона ишга туширилиши ва 60 та янги иш ўрни яратилиши керак эди. Бектемир туманида техник мой ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага кредит ажратиш масаласи ҳал этилмаган бўлса, Шайхонтоҳур туманидаги «Petroleum plus» масъулияти чекланган жамияти нефть ва газ маҳсулотлари билан савдо қилиш лицензиясини олишда бюрократик тўсиқларга учраган.

Мавжуд корхоналарни модернизация қилишга масъулиятсизларча ёндашув, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланмаслик оқибатида ҳам пойтахтимизда кўплаб иш ўринлари яратилмай қолди. Жумладан, Миробод туманидаги «Elit-polimer» қўшма корхонасида пластик қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган қўшимча қувват фойдаланишга топширилиши ва 15 та янги иш ўрни яратилиши зарур эди. Аммо ишлаб чиқариш жиҳозларини олиб киришда божхона идораларининг ҳаддан ташқари расмиятчилиги оқибатида бу режа ижроси ҳам кечиктирилди.

Сессия кун тартибидаги иккинчи масала — Олий Мажлис Сенатининг «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Учтепа туман ҳокими Аваз Рустамов ҳисоботи тингланди.

Маълум бўлишича, ҳудудда жорий йилнинг январь-май ойларида 90,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 106,3 фоиз ўсишга эришилган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 37,1 млрд. сўмни ташкил этган. Лекин Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани учун ҳам муайян масалалар ижроси таъминланмай қолди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлик иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги устувор йўналишлар ижросини фаоллар йиғилишида танқидий жиҳатдан кўриб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Маърузалар юзасидан муҳокамаларда O`zLiDeP аъзоси бўлган депутатлар — Дилшод Шоумаров, Эркин Тошев, Нурилла Насимов қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Эркин Тошев пойтахтда амалга оширилаётган ҳудудий дастурларни Президентимиз Концепциясининг «Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» йўналишига уйғунлаштириш лозимлигига эътибор қаратди. Унинг айтишича, муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими муҳокамасига жамоатчилик эътиборини қаратиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, тадбиркор ва ишбилармонларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кенгроқ тушунтириш учун соҳа мутасаддилари ва ҳокимият вакиллари иштирокида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш» мавзуида туркум семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Имкониятдан фойдаланиб, нафақат маҳаллий ижро ҳокимияти мутасаддилари, барча депутатларимиз эътиборини тадбиркорликнинг янги шакли бўлган оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратмоқчиман, — деди Дилшод Шоумаров ўз сўзида. — Бунинг учун, аввало, мазкур жараённинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак.

Сессияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. O`zLiDeP Олмазор туман кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Тўрабек Назаров халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, «Феруз-Фемида» адвокатлик корхонаси директори, O`zLiDeP аъзоси Равшан Фозилов эса Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия раиси этиб сайланди. Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари фондини ташкил этиш юзасидан қарор ҳам қабул қилинди.

Шу ўринда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши раиси, шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов раислигида ўтган сессияда O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари олиб чиққан ҳар икки масала ҳам ўз вақтида кўтарилгани ва долзарб аҳамиятга эга экани эътироф этилганини, ислоҳотлар жараёнида сусткашликка йўл қўяётган айрим ташкилот мутасаддиларига зудлик билан вазиятни яхшилаш юзасидан қатъий топшириқлар берилгани сессия қарорида ўз аксини топганини таъкидлаш лозим.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясида кўрилган масалалар Президентимиз Концепциясининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» йўналишида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳаётда ўз тасдиғини топаётганининг амалий ифодасидир. Шу ўринда шаҳар ҳокимининг ҳар бир қарори кенгаш аъзоларининг тасдиғидан кейин ижро этилишига келишилгани ҳам ижро ҳокимиятининг маҳаллий кенгаш фаолиятига муносабати тубдан ўзгарганини кўрсатади.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясида кўрилган масалалар Президентимиз Концепциясининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» йўналишида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳаётда ўз тасдиғини топаётганининг амалий ифодасидир. Шу ўринда шаҳар ҳокимининг ҳар бир қарори кенгаш аъзоларининг тасдиғидан кейин ижро этилишига келишилгани ҳам ижро ҳокимиятининг маҳаллий кенгаш фаолиятига муносабати тубдан ўзгарганини кўрсатади.**

## «Пластик» накд пулни доғда қолдираяпти

Маълумки, Марказий банк бошқаруви қарорига мувофиқ 2004 йилнинг 21 февралида «Тижорат банклари томонидан банк карточкаларини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатга киритилган ўзгартишлар асосида жорий йилнинг 23 июлидан банк пластик карточкаларидан фойдаланувчи бошқа шахс карточка эгасининг ишонч қоғозини тақдим этиши шарт эмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, сотувчиларга (хизмат кўрсатувчиларга) банк карточкаси эгасидан унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи меъёр ҳам бекор қилинди.

Марказий банк расмий сайтида маълум қилинишича, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан 7988464 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, савдо ҳамда пулли хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган 88539 та терминал орқали 4262 млрд. сўмлик трансакция амалга оширилган.



# Нурли келажакка юз тутган воҳа

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI ASR»

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани эса айни пайтда минглаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш имконини берди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2482,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 107,9 фоиз ўсишга эришилди. 275 та янги саноат корхонасини ишга тушириш ва модернизация қилиш учун 8,1 млрд. сўм маблағ сарфланди ва 1551 та қўшимча иш ўрни яратилди. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми эса 2116,2 млрд. сўмни ташкил этаётир. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари томонидан 38,8 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланди. 2,6 млрд. сўмлик инвестиция эвазига эса 75 та кичик саноат корхонаси ташкил этилиб, улар сони микрофирмалар билан қўшиб ҳисоблаганда 726 тага етди. 5 та пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини бошлагани ва улар сони 63 тага етгани эса вилоятда янада улкан бунёдкорлик ишларига тайёргарлик кўрилаётганидан далолатдир. Соҳа мутасаддилари айни пайтда йиллик ғишт тайёрлаш ҳажми 400 млн. донадан ошганини таъкидлаяптилар.

— Қишлоқларда асосан ёш оилалар учун шинам ва замонавий қулайликларга эга уй-жойлар қуриш ишлари тобора қизғин олиб борилаяпти, — дейди "Турон Бунёдкор Қурилиш" инжиниринг компанияси бош директори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Эркин Тўхтаев. — Истиқлол шарофати ва Юртбошимиз раҳнамолигида кейинги йилларда мингга яқин оилалар янги уйларга кўчиб ўтдилар. Ўтган йили жамоамиз томонидан Қамаши туман Оқгузар қишлоғида 20 та, Яккабоғ қўрғончасида 40 та, Оқтоштепа маҳалласида 60 та замонавий уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда эса 13 та тумандаги 25 та массивда 805 та ана шундай уйлар қурилиши жадал олиб борилаяпти. Уларнинг умумий қиймати 64,3 млрд. сўм бўлиб, ҳозиргача ушбу маблағнинг 50 фоиздан ортиғи ўзлаштирилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган янги аҳоли пунктларида бир вақтнинг ўзида маданий ва маиший инфратузилмалар ҳам барпо этилаяпти. Уларга кичик шаҳарчалар мақоми берилиб, ана шу ҳудудларда 61 та ижтимоий инфрутузилма объекти ҳамда 4 та мактаб қуриш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ишлаб чиқаришга ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб этиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни жорий йилнинг олти ойида 1132 млн. сўм миқдорида инвестиция маблағлари жалб қилингани ҳам кўрсатиб турибди. Улардан самарали фойдаланилиб, қисқа муддатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи 10 та кичик корхона ишга туширилди. Шаҳрисабздаги "О-Само", Китобдаги "Обод Сирож" корхоналари эса ҳозирданоқ ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга тайёргарлик кўра бошладилар. Бугунгача 100 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишлангани эса вилоятда фермерлар фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир. Шу ўринда 493,2 млн. сўм миқдорида инвестиция эвазига 19 та енгил саноат кичик корхонаси иш бошлагани, тўқимачилик саноати корхоналари томонидан эса 6 ойда 8,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинганини ҳам вилоят ҳокимлигидагилар алоҳида эътироф этмоқдалар.

Яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар натижасида вилоятда кичик бизнес субъектлари сони йил сайин ортиб бораяпти. Ўтган йилда 4 мингдан ортиқ тадбиркор мустақил иш бошлаган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 7 мингдан ошиши кутилаяпти. Эътиборли томони шундаки, мазкур корхоналарнинг 30 фоиздан ортиғи илк бора меҳнат фаолиятини бошлаган ёшлар томонидан ташкил этилди.

Истиқлол йилларида вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, замонавий минитехнология ва ихчам ускуналар ёрдамида мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш самарали йўлга қўйилгани аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳозир вилоятда 7139 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштириш юз фоиз қишлоқ мулкдорлари ҳиссасига тўғри келаётир. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда эса 43068 бош йирик шохли қорамол парвариш қилинмоқда. Боғдорчилик ва мева-сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликларида йилига минглаб тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилаётгани саховатли заминимизнинг янги эгалари ўзларини ҳақиқий мулкдор сифатида ҳис этиб, астойдил меҳнат қилаётганларидан далолатдир.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани ва фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги иқтисодиётимизни юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаяпти, — дейди Миришкор туманидаги "Камалак" фермер хўжалиги раиси, O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аъзоси Файзулла Лутфиев. — Бир пайтлар оддий механизатор эдим, истиқлол туфайли мулкдор бўлдим. Оиламизда ҳар бир соҳанинг эгаси бор. Турмуш ўртоғим Ҳанифа Усмонова чорвачилигимизга бош-қош. Ўғилларим Нодир ва Жасур икки қанотимга айландилар. Сарвар иқтисодчи. Оиламиз юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганидан бахтиёрман.

Ҳақиқатан ҳам бугун Қашқадарёда барча соҳаларда бирдек улкан натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида вилоятда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилди, десак, муболаға бўлмайди. Айни пайтда 10794 ўринли 82 та шифохона, 260 та ҚВП, 5 та ШВП, республика саломатлик ва тиббий статистика институти, ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиали, скрининг маркази, 16 та туғруқ комплекси ва бўлими, кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, 5 та болалар шифохонаси ва бошқа бир қатор муассасалар аҳоли саломатлигини сақлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга сафарбар этилган.

— Ҳар қандай юртнинг келажаги, куч-қудрати халқнинг жисмоний соғломлиги билан ўлчанади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Рустам Йўлдошев. — Барча жабҳаларда бўлгани каби, бизнинг соҳада ҳам босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, миллат саломатлигини тубдан яхшилаш, соғлом авлодни шакллантириш имконини бермоқда.

Соҳа мутасаддиларининг фикрича, кейинги йилларда даволаш-профилактика муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктларида 2 млрд. 945 млн. сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, уларга 1,6 млрд. сўмлик жиҳозлар ўрнатилди. Бундан ташқари, туғруқхона, лаборатория, шошилинч тиббий ёрдам, қон қуйиш бўлимлари, ўқув хоналари, ОИТСга қарши курашиш марказлари ҳамда ҚВПлар 8 млрд. сўмлик жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. 2009 йилдан бошлаб эса оғир буйрак касталигига чалинган беморларни Гемодиализ (сунъий буйрак) ускунаси орқали даволаш муолажалари йўлга қўйилди. Эндиликда филиалнинг туманлардаги 430 ўринга эга бўлган 16 та субфилиалида ҳам беморларга малакали хизмат кўрсатилаяпти.

«Она ва бола» скрининг марказига эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан қон таркибини чуқур таҳлил қиладиган ва ультратовуш диагностикаси аппаратлари ўрнатилди. «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида 16 та туғруқ мажмуи ва бўлимларининг моддий-техник ҳолати яхшилангани, энг замонавий ускуналардан фойдаланилаётганлиги туфайли оналар ва болалар ҳаёти оғир вазиятларда ҳам сақлаб қолинмоқда.

Бугун вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз борганда, халқ таълими тизимидаги ютуқларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Айни пайтда вилоятда 1530 та таълим муассасаси бўлиб, уларнинг 1115 таси умумий ўрта таълим мактаби, 351 таси мактабгача, 44 таси мактабдан ташқари таълим муассасалари, 2 таси меҳрибонлик уйи ҳамда 18 таси мусиқа ва санъат мактабларидир. Уларда 51896 нафар соҳа ходими баркамол авлод тарбияси йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Шаҳар ҳамда туманлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиётган ўғил-қизлар учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида 700 та бошланғич ташкилот атрофига уюшган 12 минг нафар O`zLiDeP аъзолари ҳам камтарона ҳисса қўшмоқдалар. O`zLiDeP вилоят кенгаши етакчилигида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари давлат ҳокимияти ижроия органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказмоқдаларки, бу ўз навбатида аҳоли сиёсий онгини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушунтиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва партия фаоллари учун доимий фаолият юритувчи семинарлар йўлга қўйилган, — дейди марказ раҳбари Дилором Азизова. — Машғулотларимизда асосий эътибор "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш Концепцияси"-нинг мазмун-моҳиятини партия аъзолари ва кенг оммага тушунтиришга қаратилаяпти. Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қатнашиб, иштирокчиларга O`zLiDeP фракцияси фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар хусусида тўлиқ ахборотлар бериб борилаётгани юртдошларимизнинг сиёсий соҳадаги ислоҳотлардан хабардорлигини ошириш баробарида депутатларимизнинг электорат билан юзма-юз учрашишлари учун ҳам қулай имконият яратмоқда.

Ҳа, қашқадарёликлар Истиқлол байрамини юксак кўтаринкилик, улкан бунёдкорлик ишлари билан қарши олаяптилар. Воҳанинг кундан-кунга юксалиб, қайта чирой очаётгани эса уларни янада улуғвор ишларга сафарбар этмоқда.

2011 йил 21 июль, пайшанба,
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**СУРХОНДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят ҳамда Шеробод туман кенгашлари Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда "Тадбиркорлик ва фермерликка эътибор — келажагимизга эътибор" мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепция ҳамда ундан келиб чиқадиган партиявий вазифалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболлари, шунингдек, мулкчиликнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда тадбиркор ва фермерларнинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини янада ошириш, мазкур соҳа учун жойларда қулай шарт-шароит яратиш, мулкдорларга янада кўпроқ эркинликлар бериш лозимлиги таъкидланди. Айни вақтда туман тадбиркор ва фермерлари фаолиятида кўзга ташланаётган айрим муаммолар, жумладан, ерларни оптималлаштиришда йўл қўйилаётган хатолар ва лизинг хизматидан фойдаланиш борасидаги сунъий тўсиқлар хусусида сўз юритилиб, уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**САМАРКАНД.** Бугунги кунда хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. O`zLiDeP Нарпай туман кенгаши томонидан ташкил этилган "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — бандликни таъминлашнинг муҳим омили" мавзуидаги давра суҳбатида ушбу соҳада фаолият юритаётган хотин-қизларга қулай шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги хусусида фикр юритилди. Сўзга чиққанлар қишлоқларда яшовчи аёлларни тадбиркорликка йўналтириш билан боғлиқ амалий ҳаракатларни янада кучайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини алоҳида қайд этдилар.

Давра суҳбатида тадбиркорликка оид лойиҳаларни банклар орқали молиялаштириш, кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ва шарт-шароитлари ҳақида мутахассислар томонидан атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, бошланғич сармояларни шакллантириш тартиб-қоидалари ва амалиётига оид маърузалар тингланди.

**СИРДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Янгиер шаҳрида "Кичик бизнес — аҳоли бандлигининг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ўтказилиб, унда ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда сўз олганлар чекка қишлоқ ҳудудларида яшовчи йигит-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш фермер ва тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш, уларга яқиндан кўмаклашиш, шунингдек, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ёшлар иштирокини кенгайтириш, жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари ҳақида фикр юритилиб, ушбу жараёнда партия фаоллари олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди.

# Жамоатчилик назорати кучайтирилиши керак

**O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш» бўлими раҳбари Дилноза АБДУЛЛАЖОНОВА «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради**



*— Партия аъзоси бўлган аёлларнинг 1059 нафари тадбиркор эканлиги пойтахтда имкониятларимиз анчайин салмоқли эканлигидан далолат беради, — дейди Д. Абдуллажонова.*

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, сиёсий фаоллиги, ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, иқтидори ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни тадбиркорликка жалб этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўз атрофига 10559 нафар ҳаммаслакларни бирлаштирган партия Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» фаоллари O`zLiDeP дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ўз сафларини замонавий фикрлайдиган, тадбиркор ва ишбилармон аёллар ҳисобига кенгайтириш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сафдошларимизнинг аксарияти олий маълумотли мутахассислардир, — дейди Дилноза Абдуллажонова. — Уларнинг қарийб 1059 нафари тадбиркор эканлиги эса имкониятларимиз анчайин салмоқлилигидан далолат беради. Энг муҳими, улар партиямиз Дастурида белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этишаяпти. Айниқса, улар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилаётган тадбирларда реал натижаларга эришиш учун бор имкониятларини ишга солаяптилар. Хусусан, Яккасарой туманидаги «Дилбар — давр қизи» хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Ходжаева жорий йилнинг дастлабки чорагида 30 дан зиёд янги иш ўрни яратди.

Бундай ташаббускор ва ҳозиржавоб тадбиркор аёллар пойтахтимизнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётгани эса муваффақиятларимизнинг йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаяпти. Энг муҳими, улар нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам етакчилик қилмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларининг 288 тасига аёллар раҳбарлик қилишаётгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Айни пайтда қуйи бўғинларда истиқболли кадрлар захирасини мустаҳкамлаш эса «Аёллар қаноти»нинг энг асосий вазифаларидан бирига айланганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мақсадимиз келгуси сайловларгача уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашишдир. Ўтган сайловда номзод кўрсатишда 30 фоизли квотани тўлиқ бажарган бўлсак-да, аммо номзодларимизнинг айримларида юқоридаги каби жиҳатлар етишмагани боис етарлича овоз тўплай олмаган эдик.

Интилиш бор жойда — натижалар ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бунга партия туман кенгашлари «Аёллар қаноти»ларида эришилаётган ютуқлар ҳам мисол бўла олади.

— Сафларимиздаги хотин-қизлар тадбиркорликда ҳам, илму фанда ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам кўпчиликка ўрнак бўлишаяпти, — дейди O`zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгашининг аёллар масаласи бўйича раис ўринбосари Сурайё Пўлатова. — Айни пайтда бошланғич ташкилотларимиз ҳисобида турган 1899 нафардан зиёд маслакдошларимизнинг 681 нафардан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Улар депутат, тадбиркор, маҳалла раиси ва фаоли, тиббиёт ходими ва бошқа соҳалар вакиллари сифатида қизғин фаолият юритишаяпти. Ана шундай фаолларимиздан бири, «Азиза Сайфи қизи» фирмаси раҳбари Азиза Ғуломова миллий ва замонавий йўналишдаги тикув цехида йил бошидан буён хотин-қизларимиз учун 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратди.

Шу ўринда Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» кўмагида жорий йилнинг биринчи ярмида жами 157 та янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда уларнинг сони яна 24 нафарга ортиши кутилаяпти. Лекин...

Гап шундаки, «Аёллар қаноти»нинг Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» номли қўшма лойиҳасида бир гуруҳ пойтахтлик хотин-қизлар ҳам ўз бизнес-режалари билан фаол иштирок этиб, 37 млн. 900 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритишди.

— Мустақиллик туфайли мамлакатимизда ҳар бир инсон эркин меҳнат қилиш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш ва ўз меҳнатига яраша даромад топиш имкониятига эга бўлди, — дейди «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси ғолиби Шоҳида Зокирова. — Ана шундай шарт-шароитлардан фойдаланиб, ҳам оиламиз, ҳам жамиятимизга фойда келтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шахсан ўзим ярим тайёр чинни маҳсулотларга миллий услубда безак беришни йўлга қўймоқчиман. Мақсадим азалий қадриятларимизни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказишдир.

— Шаҳримизда Шоҳидахон сингари изланувчан тадбиркорлар, миллат тақдири ва келажаги учун ўзини масъул, деб билганлар кўпчиликни ташкил этади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса олдимизда турган энг муҳим вазифалардир биридир. Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга барҳам бериш учун эса фаолиятимизни янада жонлантиришимиз лозим, — дейди Дилноза Абдуллажонова. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш, партиямиздан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари, зарурат туғилса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзоларини жалб этиб бўлса-да, ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга барҳам беришимиз лозим. Бу, албатта, бизнинг камчилигимиздир. Уларни қанча тез бартараф этсак, ютуқ ва муваффақиятларимиз шунчалик кўпаяди.




# Янги авлодга фаоллик ва ташаббускорлик ярашади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Партиямизнинг Хоразм вилоят кенгаши қошидаги Ёшлар билан ишлаш бўлими фаолиятига назар ташласак, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Аввало, бўлим ўз атрофига 4647 нафар фаол, ташаббускор йигит-қизларни жипслаштиргани, партия ғоялари ва мақсадларини оммага етказишда уларнинг куч ва ғайратидан самарали фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

O`zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги «Ёшлар клуби» ва Ёшлар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мамлакатнинг инновацион ривожланишида интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи», «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил», «Замонавий билимли ёшлар — фермер хўжаликлари истиқболи гарови» мавзуларидаги давра суҳбатлари, мулоқот ва амалий учрашувлар ана шулар жумласидандир.

Айниқса, Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, шунингдек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят филиалининг қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 10-16 май кунлари «Диплом билан — бизнесга» мавзуида ўқув семинарлари ўтказилиб, тадбирда фаол қатнашган 40 нафар талабага имтиёзли кредит олиш учун банк сертификатлари топширилди.

Ёш авлод мустақил ҳаётга қанчалик эрта ва пухта тайёрланса, кутилган натижаларга шунчалик тез эришилади, албатта. 2004 йилдаёқ республикамиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Ишбилармон ўқувчи» стипендиясининг ташкил этилиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилгани, унда кўплаб ёшлар ўзларининг истиқболли лойиҳалари билан чиқиб, уларни амалиётга жорий этишга муваффақ бўлганлари бежиз эмас. Жорий йилнинг апрель-май ойларида эса вилоятда ушбу танловнинг туман, шаҳар босқичлари ўтказилди. Унда ғолиб чиққан 33 нафар ўқувчи танловнинг вилоят босқичида иштирок этди.

Бу эса ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашлари, мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари партия вилоят кенгаши томонидан қатъий назоратга олинганини кўрсатади. Ҳозирги кунда вилоятда 85 та касб-ҳунар коллежи ва 6 та академик лицей мавжуд бўлиб, уларда 92346 нафар йигит-қизлар 105 та касбий йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Изланишлар самараси эса ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди. Хусусан, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка иштиёқманд ёшлар сафининг кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда 8085 нафардан ортиқ йигит-қизлар тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланмоқдалар. Улар сафини янада кенгайтиришда жойларда ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Эркин тадбиркор — мустаҳкам иқтисодиёт пойдевори», «Маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзуларидаги турли партиявий тадбирлар яхши самара бераяпти.

Ёшларда тадбиркорлик ва фермерлик кўникмаларини шакллантириш баробарида уларни ёт ғоялар, жумладан, диний экстремизм, турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зеро, комил инсон тарбияси ҳар доим долзарб бўлиб келган. O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими шуни назарда тутиб, навқирон авлод вакиллари орасига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини кучайтиришга интилмоқда.

## Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

# Қишлоқ хўжалиги ривожи ва тараққиёти йўлида

**Айни пайтда Навоий вилоятида фаолият юритаётган 1801 та фермер хўжалигининг 1158 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 324 таси чорвачилик, 260 таси боғдорчилик ҳамда узумчиликка ихтисослашган ҳолда иш олиб бормоқда**

**Фарҳод ТЎХТАЕВ,**
Фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилоят филиали раҳбари

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда ОАТБ "Агробанк" билан ҳамкорликда ташкил этилган "Қишлоқ жойларида фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар-тренингда ана шу рақамлар тилга олинди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган инфратузилманинг такомиллаштирилгани, ирригация ва мелиорация тизимларига катта эътибор қаратилиши натижасида фермерлар фаолияти тобора ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳосилдорлик ғалладан гектарига 4-5 центнер, пахтадан 6 центнердан ошди.

Шу боис бўлиб ўтган семинарда фермер хўжаликларида янги иш ўринларини барпо этиш ҳамда етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчи кичик корхоналарни ташкил этиш борасида турли мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилда ғалла етиштириш билан шуғулланувчи 1158 та фермер хўжаликларининг 98 фоизи шартнома режаларини ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Жойларда умумий ҳисобда 200 гектарга яқин майдонда 150 дан ортиқ иссиқхоналар ташкил этилди.

Семинарда, шунингдек, аграр соҳани мувофиқлаштиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## Университет филиали «Ўзбекнефтгаз» ихтиёрида

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали бундан буён «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси негизида фаолият юритадиган бўлди.

Компания матбуот хизматидан хабар қилинишича, мамлакатимизнинг нефт-газ ва нефт-газ-кимё соҳалари учун малакали кадрлар етказиб бериш жараёнини такомиллаштириш, замонавий технологияларни қўллаш орқали таълим тизими сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига мувофиқ РДУ филиали «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибига қўшилди.

Маълумотларга кўра, яқин келажакда филиал қошида нефт-газ ва турдош соҳаларда ишлаган ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда турли тоифадаги мутахассислар малакасини ошириш курслари ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

# Адашишга ҳаққингиз йўқ!

**2011 йилнинг 27 апрелидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун асосида Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгач, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари кескин камайгани кузатилмоқда**



**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси мутахассисларининг таъкидлашларича, 2010 йилнинг май ойида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 434646 та маъмурий баённома тузилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг май ойида 318833 тани ташкил этди. Бу қоидабузарликлар сони 115813 тага камайди, деганидир. Қолаверса, ўтган йилнинг май ойида 150734 та қўпол қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб улар сони 27726 тага камайган.

— Бугунги ислоҳотлар самараси автомобиль саноати ривожида ҳам яққол намоён бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиев. — Бироқ автомобиллар ҳаракат тезлиги динамикасининг юқорилиги аксарият ҳолларда кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кенгроқ таъминлаш заруратини юзага келтирди. Шу боис мазкур қонун ижтимоий ҳаётимизнинг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий қилинди.

Эндиликда ҳаракат тезлигини ошириш, светофорнинг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, тўхташ ва тўхтаб туриш мумкин бўлмаган жойлардаги йўл белгиларига амал қилмаслик каби энг кўп такрорланадиган қоидабузарликларга нисбатан таъсир чоралари кучайтирилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси инспектори Акмал Юнусовнинг таъкидлашича, илгари бир моддада баён этилган ҳуқуқбузарликлар учун такрорийлик, унинг қайси бири содир этилганидан қатъий назар, ҳисобга олинган бўлса, эндиликда содир этилган қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олиниши белгиланди.

Хусусан, кодекснинг 1283-моддасига кўра, ҳаракат тезлигини белгиланган меъёрдан оширишга нисбатан жавобгарлик унинг миқдорига қараб тавсифланадиган бўлди. Яъни, ҳайдовчи ҳаракатини соатига 20 километрдан ортиқ бўлмаган тезликка оширса, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида (ҳозирги кунда республикамизда энг кам иш ҳақи 49735 сўм, 2011 йилнинг 1 августидан эса 57200 сўмни ташкил этади) жарима солинади. Тезлик белгиланганидан 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кам миқдорда оширилса, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида (248675 сўм)ги жаримага олиб келади. Агар ҳайдовчи тезликни белгиланганидан 40 километр оширса, энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима (497350 сўм)га тортилади ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этилади.

Маълумки, ҳар қандай ҳайдовчи транспорт воситасининг бошқарувчиси бўлиш баробарида ҳаракат хавфсизлиги учун ҳам жавобгар шахс ҳисобланади. Афсуски, айрим ҳолларда ҳайдовчиларимиз ўз зиммаларидаги ана шу масъулиятни унутиб, автомобилни спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда ҳам бошқармоқдалар. Бу эса кўпинча фожиали якун топаяпти. Масаланинг ана шу ижтимой хавфини ҳисобга олиб, қонунчиликда транспорт воситаларини алкоголли ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ҳолда бошқаришга нисбатан жазо чоралари кескин кучайтирилди. Бундан буён ана шундай қонунбузарликлар учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

Бундан ташқари, қонунчиликка киритилган янги нормаларга кўра, ҳайдовчиларнинг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши энг кам иш ҳақининг уч (149205 сўм), автомобилни бошқариш пайтида уяли телефондан фойдаланиши эса икки (99470 сўм) баравари миқдоридаги жаримага олиб келади. Агар ҳайдовчи хавфсизлик камаридан, мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаса, энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жаримага тортилади.

Маълумки, ҳайдовчилар орасида энг кўп содир этиладиган қоидабузарликлардан бири бу — светофорнинг тақиқловчи сигнали ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасликдир. Бундай ҳолатда ҳайдовчига нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинади. Давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек, ҳайдовчи ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги жаримага сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, қонунни тайёрлаш жараёнида йўллардаги қатновни тартибга солиш, ҳайдовчи ва йўловчилар ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган айрим кўнгилхираликларнинг олдини олиш мақсадида уни бир қатор янги қўшимчалар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилган. Масалан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан ҳаракатлантириши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, қоронғу тушган ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда йўловчиларга лой сачратиш ҳолатлари ҳам энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шу ўринда йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган транспорт воситаларини ҳужжатларсиз бошқариш борасида ҳам қонунчиликка янги нормалар киритилди. Эндиликда транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек, унга эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан транспорт воситаларини бошқариши ҳам энг кам иш ҳақининг иккидан бир (24867 сўм) қисми миқдорида жарима солинишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликка киритилган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар моҳиятида инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи ётади. Негаки, кейинги пайтда инсон ақл-идроки, илмий изланишлари натижаси бўлган транспорт воситаларини нотўғри бошқариш натижасида қурбонлар сони кўпаймоқда. Таҳлилчилар дунёда йўл-транспорт ҳодисаларидан бир дақиқада 3 нафар одам ҳаётдан кўз юмиб, 76 нафари турли даражадаги тан жароҳати олаётганини бежиз таъкидламаяптилар. Бу эса ҳар биримиз автоуловни бошқаришга масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндашишимиз лозимлигини англатади.

## Ўткир Раҳматов ўз сўзида туради

Истиқлол байрами арафасида Бухоро туманидаги «Шергирон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 19 та замонавий уй ўз эгаларига топширилади.

2010 йилда замонавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши фақат Кўлба қишлоғида олиб борилган бўлса, жорий йилда «Шергирон», «Юринболоқ», «Работи Қалмоқ», «Кўчкўмар», «Қаволамаҳмуд», «Янги турмуш» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам бу борадаги ишлар қизғин амалга оширилаяпти.

47-кўчма механизациялашган жамланма раҳбари Ўткир Раҳматовнинг фикрича, янги уй-жойлар сони жами 89 тани ташкил этади. Мазкур ҳудудларда 7 километр узунликдаги газ қувури, 3,8 километрдан иборат электр тармоғи, 2,5 чақирим масофага ичимли сув қувурларини тортиш режалаштирилган. 3,2 километрли асфальт йўл қурилиши ҳам жадал олиб борилаяпти. Умуман олганда, туманда кейинги йилларда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Агар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ичимли сув билан таъминланиш даражаси атиги 15,5 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 80 фоизга етказилган. Туман «Сувоқава» ташкилоти раҳбари Ў.Акрамовнинг таъкидлашича, Осиё Тараққиёт банкининг 4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредити эвазига 2015 йилгача туман маркази — Галаосиё шаҳрида тоза ичимли сув тармоғи ҳам тўлиқ реконструкция қилинади.

***Асҳор ИСТАМОВ тайёрлади.***

## «Золотинка»да фарзандларимиз мамнун

Жазирама ёз палласида Самарқанд вилоятидаги 69 та доимий ва кундузги дам олиш масканларида қўшни вилоятлардан келган болалар ҳам мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

— Бу йилги мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрилди, — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Саид Тоғаев. — Барча оромгоҳлар компьютер ва спорт анжомлари билан таъминланди. Мавсумга тарбиячи, етакчи, тиббиёт ходимлари, спорт йўриқчилари, мусиқа раҳбари каби 1300 нафардан ортиқ мутахассис жалб этилди. «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ташкил этилган ўқув-семинарлар асосида тарбиячи ва етакчи вазифасига олий ўқув юртларининг битирувчилари, коллежларни тугатаётган ёш мутахассислар танлаб олинди.

Вилоятда ном қозонган оромгоҳлар орасида Ургут туманидаги «Юқори чинор» маҳалласида жойлашган «Золотинка»нинг алоҳида ўрни бор. Болаларнинг ушбу севимли маскани Марказий Ўзбекистон геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси давлат корхонасига қарашли бўлиб, айни кунлардаги бу ерда 100 нафардан ортиқ Оролбўйи болалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари мириқиб дам олмоқдалар.

Мутахассисларнинг фикрича, Самарқандда мавсум охиригача 17 мингдан ортиқ ўғил-қиз ёзги таътилни қувноқ ва мазмунли ўтказади.

***Муҳаббат РАВШАНОВА тайёрлади.***

**Ҳисобот-сайлов конференциялари**

# *Мирободлик фаоллар олдинги маррани кўзламоқдалар*

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2011 йил 3 июндаги қарорига мувофиқ жойларда ҳудудий партия ташкилотларининг фаолияти юзасидан ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда**



O`zLiDeP Миробод туман кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчилари кенгашнинг ўтган йиллардаги фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида унинг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасидаги фаолияти эътиборга молик эканини алоҳида таъкидладилар.

Туман кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Равшан Фозиловнинг қайд этишича, айни пайтда Мирободда партиянинг 108 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз сафларига 3245 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ҳисобот даврида БПТлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга зарурий кўрсатмалар бериш, аҳоли орасида партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Бунда, айниқса, 2008 йилдан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун яратиб берган имкониятлар муҳим аҳамият касб этди.

Конференцияда таъкидланганидек, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг эълон қилиниши сиёсий партиялар зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифаларни юклади. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнларида фуқаролик жамиятининг энг таъсирчан воситаси ҳисобланган сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти айниқса муҳимдир. Чунки партиялар маълум бир ижтимоий қатламнинг сиёсий иродасини ифодалаб, ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат бошқарувида фаол иштирок этадилар. Бунда эса сиёсий партиялар, аввало, қуйи бўғинлардан куч ва мадад олади.

Тадбирда O`zLiDeP туман кенгашининг фаолияти қониқарли, дея баҳоланган бўлса-да, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бирламчи эътибор қаратилди. Хусусан, кенгашнинг «Ёшлар қаноти», «Аёллар қаноти» фаолиятида айрим камчиликлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Ўтган давр мобайнида туман партия ташкилотининг мазкур тузилмалари томонидан ёшлар ва аёллар масалаларига оид жиддий ташаббуслар илгари сурилмади. Ўтказилган тадбирлар эса фақат партиявий-ғоявий мақсадларни тарғиб қилишгагина қаратилди, холос.

Конференцияда туман партия ташкилотининг келгусидаги вазифаларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга келишиб олинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнесни ёшлар ва аёллар орасида оммалаштириш, бу борада партия фаолларининг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда Р.Фозилов O`zLiDeP Миробод туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

## Раис яна қайта сайланди

O'zLiDeP Паркент туман кенгаши конференциясида ҳисобот даврида партия фаоллари томонидан 3 мингга яқин иш ўрни яратилгани, аммо бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда амалий ишларни янада кучайтириш энг долзарб вазифа бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди. Айни пайтда туманда 130 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, унинг 50 фоизини ёшлар, яъни олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар ташкил этади. Хўш, бугун янги авлод вакилларининг барчаси ҳам эгаллаган соҳалари бўйича меҳнат қилишаяптими? Туманда янги иш ўринлари яратишнинг аҳволи қониқарли даражадами? Электорат, айниқса, партия фаоллари, депутатлар бундай долзарб вазифаларга қандай муносабатда бўлмоқдалар? Конференцияда асосан ана шундай масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, энг аввало, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқалигина бу борада кутилган натижаларга эришиш мумкин. Чунки хусусий тадбиркорлар сонининг ортиши аҳолини зарур истеъмол товарлари билан таъминлаш, уларга маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш баробарида янги иш ўринларини яратишга ҳам имкон беради. Шу боисдан ҳам туман кенгаши ўз сафларига ўрта синф вакилларини кўпроқ жалб этиши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаши мумкин.

Конференцияда партия туман кенгаши ва унинг таркибидаги бошланғич партия ташкилотларининг келгусидаги вазифалари белгиланиб, Ҳ.Ҳаққулов O'zLiDeP Паркент туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

## Камчиликлардан хулосаларга

O`zLiDeP Миришкор туман кенгаши конференциясида ҳудудда сиёсий ишлар тўғри ташкил этилмагани натижасида партия ғояларига қизиқувчилар сони камайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Партия туман кенгаши раиси Нейматилло Шамсиддиновнинг ҳисоботида қайд этилишича, ўтган даврда партиявий кўрсатмаларни бажариш учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш орқали улар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Аммо конференция иштирокчилари айрим партия фаолларининг ўз ишига совуққонлик билан қараши натижасида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бир қатор режа ва дастурлар бажарилмай қолаётганига эътибор қаратдилар. Конференцияда таъкидландики, туманда бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш борасида ҳам етарли ишлар олиб борилмаган. Хусусан, ҳисобот даврида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан тузилган битим асосида ташкил этилиши режалаштирилган тадбирлар фақат қоғозлардагина амалга оширилган, холос. Аъзолар сонини кўпайтириш ва сифат таркибини яхшилаш, кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Бу эса туман кенгаши фаолиятини жиддий қайта кўриб чиқиш ва уни бугунги кун талабларига мослаштириш зарурлигини тақозо этади.

— Туманда 44 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган 491 нафар партия аъзоси бор, — деди конференцияда назорат-тафтиш комиссияси раиси Бахтиёр Шербобоев. — Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги боис жойларда ғоявий-сиёсий ишлар ҳам яхши ташкил этилмаяпти. Натижа эса юқоридагидек салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

# БАНК ТИЗИМИ

29 (401)-СОН | 2011 йил 21 июль, пайшанба | e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com


***Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банк муассасалари шуни ҳисобга олиб, хусусий секторни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, мижозларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш янгидан-янги муваффақиятларга эришиш имконини бераяпти***

## Универсал хизматлар кўлами кенгаймоқда

Universalbank

**Ислоҳотларнинг бугунги босқичида молия бозорида ўз мижозлари ишончини оқлаш учун барча имкониятлардан фойдаланаётган хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Универсалбанк» жамоаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хусусий сектор вакилларига 6983,1 млн. сўм микдорида кредит ажратди**









Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилнинг июль ҳолатига кўра, банк томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 11314,7 млн. сўмни ташкил этмоқда. Халқ хўжалиги тармоқларига ҳозиргача 8071,3 млн. сўм миқдорида сармоя йўналтирилган. Ана шу маблағнинг 4265,3 млн. сўми қисқа муддатли, 3806 млн. сўми эса узоқ муддатли кредитлардир. Жумладан, саноат соҳасига 2142,4 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 590 млн. сўм, маиший хизмат ва сервис тармоғига 292,1 млн. сўм, шунингдек, замонавий уй-жойлар қурилишига 2124,1 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганилиги натижасида уларнинг имконияти кенгайиб, жойларда янгидан-янги қувватлар фойдаланишга топширилмоқда. Халқимизнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларининг асосий қисми ҳам маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётир. Жорий йилда «Универсалбанк» томонидан ана шу мақсадлар учун жами 73,9 млн. сўм кредит ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, банк сармоялари жойларда янги иш ўринлари яратиш, бандлик муаммосини ҳал этишга хизмат қилаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган даврида банк кредитлари эвазига кўплар доимий иш ўрнига эга бўлгани ҳам фикримизга мисолдир.

Банк билан тадбиркор аёллар ўртасидаги мустаҳкам ишонч, яқин ҳамкорлик ҳар икки томон учун бирдек манфаат келтирмоқда. Жорий йилнинг салкам 7 ойи мобайнида уларга 151 млн. сўм миқдорида сармоялар ажратилди. Турган гапки, бу ишбилармон хотин-қизларга алоҳида куч бағишлаб, уларни янги марраларга руҳлантирмоқда. Банк кредити ҳисобига кўплаб уй бекалари иш билан таъминланаяптилар.

Маълумки, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаёт йўлида уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилашда кўмаклашиш энг муҳим масалалардан биридир. Йил бошидан буён банк жамоаси томонидан ушбу мақсадлар учун 230 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бугун республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Ўз келажагини ушбу соҳа билан боғлаган касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес-лойиҳалари тижорат банклари томонидан оғишмай молиялаштирилаётгани ҳам бунга замин ҳозирламоқда, десак, муболаға бўлмайди. Биз сўз юритаётган «Универсалбанк» ҳам ишбилармон ва иқтидорли ёшларга камарбаста бўлаётган молия институтлардан биридир. Буни ўтган олти ой мобайнида битирувчи ёшларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 8 млн. сўм сармоя ажратилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Банк жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2012 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизация дастурларини амалга ошириш, Қўқон шаҳрини индустриал ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шу муҳим ҳужжат асосида 1874 млн. сўм миқдоридаги 11 та лойиҳа молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Айни кунгача 971 млн. сўмлик 7 та лойиҳа тўлиқ молиялаштирилди. Эътиборлиси, шу ҳисобдан Қўқон шаҳрида 41 та янги иш ўрни яратилди.

Қисқа қилиб айтганда, хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Универсалбанк» ўз мижозларига жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиб, улар ишончи ва эътиборини қозонмоқда. Бундай молиявий ҳамкорлик эса ҳар икки томон учун бирдек манфаат келтираётир.

## Халқаро тажрибага таяниб

**Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда банклар фаолиятининг рағбатлантирилаётгани тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мижозларга таклиф қилинаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва молия ресурсларини самарали тақсимлашда муҳим аҳамият касб этаётир**

ASIA ALLIANCE BANK

Бунинг амалий исботини хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Asia Alliance Bank» мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган мазкур муассаса қисқа вақт ичида мижозларнинг ишончли ҳамкорига айлана олди. Бу йўлда унга, шубҳасиз, тўғри танланган стратегия, изчил молиявий сиёсат, бизнес соҳасидаги илғор тажрибаларга содиқлик жуда қўл келмоқда, десак, хато бўлмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий минитехнологияларни кенг жалб этиш, инвестициялар ҳажмини ошириш ва шу орқали юксак турмуш фаровонлигига эришиш айни кунда банк фаолиятининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик юритувчи субъектларга 17534,7 млн. сўм миқдорида қисқа муддатли ҳамда 6926,5 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Ушбу маблағларнинг 14206,2 млн. сўми саноат, 5990,7 млн. сўми савдо, 964,7 млн. сўми қурилиш-бунёдкорлик ишлари, 440 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, 2859,6 млн. сўми эса бошқа тармоқлар ривожига хизмат қилаётир.

Ҳозирги кунда банкларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу халқаро тажрибадан ҳам яхши маълум. Зеро, барқарор инвестицион муҳит, биринчидан, банкларнинг капиталлашув даражасини, яъни ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчидан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, янгиларини барпо этиш ҳамда уларни замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлашга имкон яратади. Шуни назарда тутган ҳолда «Asia Allians bank» томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 5 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилиб, 6527 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Хусусан, «TECHNO PLAST PROGRESS» корхонаси банкнинг 1009 млн. сўм кредити эвазига автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуна харид қилишга эришди. Натижада янги технология ўзлаштирилиб, маҳсулот тури кўпайди. Айни кунда корхонада автоуловлар учун йилига 430 мингдан зиёд турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Банкнинг яна бир мижози маиший пластмасса чиқиндиларидан бирламчи полимер хом ашёси тайёрлашга оид лойиҳасини тақдим этган эди. Лойиҳа маъқулланиб, корхонага 3300 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига Италиядан замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, йилига 6360 тонна пластмасса чиқиндиларини қайта ишлаш мумкин бўлади. Англаганингиздек, бу жамоа учун нафақат қўшимча фойда, балки экологик муҳитнинг яхшиланишига ҳам хизмат қилиши турган гап.

Кези келганда ўзининг қулайлиги ва камхаржлиги билан мижозлар эътирофига сазовор бўлаётган интернет-банкинг хизматига ҳам тўхталиш жоиз. Айни кунда ушбу хизматдан «Asia Allians bank» мижозлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Интернет-банкингнинг афзаллик жиҳатлари шундаки, мижоз дунёнинг исталган нуқтасидан туриб ўз ҳисоб рақамидаги маълумотларга эга бўлиши, шунингдек, солиқ, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириши мумкин.

Кўриниб турибдики, хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Asia Allians bank» халқ фаровонлиги, мамлакат иқтисодий тараққиёти йўлида ўз сармоялари билан фаол иштирок этмоқда. Банк жамоаси мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида мижозларга янада қулай ва имтиёзли хизмат турларини тақдим этишни бош мақсад қилган.

## *Манфаатли ҳамкорлик иқтисодий тараққиёт гаровидир*

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган очиқ акциядорлик-тижорат «Агробанк» ўзининг изчил ва барқарор фаолияти билан қисқа давр ичида тадбиркорлар, фермерларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди**

AGROBANK

Айниқса, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда банкнинг молиявий ёрдами катта бўлаётир.

Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида чорвачиликка 9,1 млрд. сўм, паррандачилик соҳасига 1,7 млрд. сўм, балиқчиликка 636 млн.сўм, асаларичилик тармоғига 185 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. "Агробанк"нинг молиявий кўмаги билан ҳудудларда юзлаб иссиқхона хўжаликлари ҳам ривожланаётгани натижасида аҳолига қишин-ёзин сархил сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш имконияти кенгаймоқда.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш, қолаверса, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта имкониятларга эгадир. Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан кичик бизнес субъектларининг 171,8 млрд. сўм миқдоридаги 4626 та лойиҳаси молиялаштирилди. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаяпти. Ана шу мақсадга 34,9 млрд. сўм миқдоридаги кредит сармоялари йўналтирилди.

**Жорий йилнинг ўтган даврида «Агробанк» томонидан кичик бизнес субъектларининг 171,8 млрд. сўм миқдоридаги 4626 та лойиҳаси молиялаштирилди. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаяпти. Ана шу мақсадга 34,9 млрд. сўм миқдоридаги кредит сармоялари йўналтирилди.**

Хизмат кўрсатиш ва сервис ривожига қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда. Жорий йилда айни соҳага 10,1 млрд. сўм кредит ажратилгани натижасида 1964 та янги иш ўрни яратилди. Касаначилик соҳасига йўналтирилган 2,9 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ҳисобига эса 469 киши қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

«Агробанк» ўтган йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир қатор хорижий молия муассасаларининг кредит линияларини жалб этишга ҳам жиддий эътибор қаратди. Жумладан, Германиянинг Kfv банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки ва Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки билан яқин ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Кичик бизнесни янада тараққий эттириш учун республикамизда «Ислом хусусий секторни ривожлантириш» ассоциациясининг 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилиб, лойиҳаларни молиялаштиришга киришилди. «Агробанк» ва Осиё Тараққиёт Банки ўртасида "Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш II босқич" лойиҳаси бўйича кредит шартномаси имзоланган бўлиб, унинг қиймати 20 млн. АҚШ долларига тенгдир. «Агробанк» Осиё тараққиёт банкининг савдони молиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига киритилган бўлиб, револьвер кредит тўғрисида келишувга эришилди.

Бундан ташқари, банк «VISA International» халқаро тўлов тизими аъзолигига қабул қилиниб, бугунги кунда процессинг марказини ташкил этиш билан бир қаторда чипли пластик карточкаларни эмиссия қилиш ҳам йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, мижозларга янада кўпроқ қулайликлар яратмоқда.

Мазкур молия муассасаси эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам тўла эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, "Moody`s Investors Service" ҳамда "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентликлари томонидан банк фаолияти барча кўрсаткичлар бўйича "барқарор" деб баҳоланди. Бу ҳам бўлса, «Агробанк» фаолиятининг жаҳон андозалари даражасида эканини англатади. Қолаверса, банк Лондонда чоп этиладиган "The banker" журнали томонидан ўтказиладиган танловларда фаол иштирок этиб, "Ўзбекистоннинг энг яхши банки" номинацияси ғолиблигига ҳам эришиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Агробанк" ўзи танлаган стратегик йўлдан бориб, мижозлар ишончи ва эътирофига сазовор бўлаётир. Зеро, ишончли ҳамкорлик иқтисодий тараққиёт гаровидир.

*Саҳифа материалларини Н.ТОШЕВ, Ш.НАЗАРОВ ва А.МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

# Дефолт, Конгресс ва турғунлик даври

**Агар Америка Қўшма Штатларининг давлат қарзларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинмаса, мамлакат иқтисодиёти жиддий тартибсизликлар гирдобида қолиб кетиши аниқ...**

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**



Жаҳон матбуоти кейинги пайтларда АҚШ иқтисодиётида мураккаб вазият юзага келгани, халқаро бозорлардаги «нотинчлик», давлатлараро савдо муомаласида доллар мавқеи бой берилаётгани, валюталар «жанги»нинг тобора кескин тус олаётгани, энг асосийси, бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовут ортиб бораётгани масалаларига кенг ўрин бермоқда. Оммавий ахборот воситаларининг глобал иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар масаласига бу қадар жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Мамлакат Федерал захира тизими раҳбари Бен Бернанкадан ташқари бошқа халқаро экспертлар ҳам мазкур йўналишда аниқ бир қарорга келинмаса, бундан Америка иқтисодиётигина эмас, ҳатто дунё молиявий-иқтисодий тизими ҳам оғир зарбага учрашини таъкидламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, мабодо, дефолт юз берса, инвесторларда АҚШ молия муассасасининг қимматбаҳо қоғозларига бўлган ишонч бутунлай сўнади.

Ўрни келганда океанорти мамлакатининг давлат қарзлари юқори чўққиси май ойидаёқ кузатилганини таъкидлаш жоиз. Аммо сиёсий майдоннинг етакчи ўйинчилари — республикачилар ҳам, демократлар ҳам қарз миқдорини ошириш шартлари хусусида якдил тўхтамга эришолмаяптилар. Президент маъмурияти эса молиявий оқимларни қайта шакллантириш ҳисобига дефолтни августгача ушлаб қолишга муваффақ бўлди. АҚШ молия вазирлиги мутасаддиларининг фикрича, бундан кейинги муддатда вазиятни назорат қилиш имкони деярли қолмайди.

Жорий йилнинг 16 майидаёқ мамлакат молия вазири Тимоти Гайтнер давлат қарзи керагидан ортиқча даражага — 14,3 триллион АҚШ долларига етганини маълум қилган эди. Шунинг учун Конгресс 2 августгача давлат қарзи миқдорини кўтариш тўғрисида қарор қабул қилиши, акс ҳолда мамлакат дефолт остонасига келиб қолиши мумкин.

Кўриниб турганидек, бугун мамлакат тақдири Конгресс қарорига боғлиқ бўлиб турибти. Чунки айнан қонун чиқарувчи ҳокимиятгина қарзнинг муайян чегараси тўғрисида қонун қабул қилиш ҳуқуқига эга. Илгарилари бундай қонунлар ортиқча баҳс ва мунозараларсиз, жанжалларсиз қабул қилингани учун ҳам айни ҳодиса мамлакат тарихида 74 маротаба юз берган эди. Бироқ бу гал анъанавий механизм негадир ишламай қолди. Демократ Барак Обама бошчилигидаги маъмурият Конгрессдаги кўпчиликни ташкил этган республикачилар билан баҳс ва мунозаралар атрофида ўралашиб қолди. Оралиқ сайловлар орқали Конгрессда ўз мавқеларини ошириб олган республикачилар қонун эвазига ўзига хос талабларни илгари суришда давом этаяптилар. Улардан бири бюджет харажатларини кескин қисқартириш ва солиқларнинг камайтирилиши тарафдоридир. Обама эса яқин ўн йилда давлат харажатларини тахминан 4 триллион АҚШ долларига камайтириш, Америка компаниялари ва мулкдорлар қатлами учун солиқ юкини ошириш таклифини илгари сураётир. Агар бойлар учун солиқ имтиёзлари бекор қилинмаса, бюджет харажатларининг қисқартирилиши чораларини қўллаб-қувватламаслигини қайта-қайта таъкидламоқда.

Сиёсий лагернинг ҳар икки томони тортишаётган бир пайтда Гайтнер CBS га берган интервьюсида давлат қарзи миқдорини оширишдан ўзга чора йўқлигини эътироф этди.

Тан олиш керакки, Конгресс қарори жаҳон иқтисодиёти учун ўта муҳим. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси раҳбари Кристин Лагард мабодо АҚШ давлат қарзини оширмаса, бу оғир оқибатларга олиб келишидан ташвишда эканини билдирди. Шундай ҳол рўй берса, кредитлар бўйича фоиз ставкалари кескин ўсиб, фонд бозорлари синади, жаҳон иқтисодиёти янги инқироз домига тушиб қолади. Конгресснинг бюджет қўмитасидаги демократлар вакили Крис Ван Холленнинг «АҚШга бўлган ишончни ва мамлакатнинг қарз мажбуриятларини бажариш қобилиятини сақлаб қолиш керак. Акс ҳолда бизни иқтисодий фалокат кутади», деган баёноти халқ ноибларини ҳушёр торттирса, ажаб эмас. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Демократлар давлат қарзи лимитини кўтаришни истаяптилар ва бундан кейин масала ҳал бўлади, деган фикрдалар. Лекин бугунча вазият ўзгача. Лимит кўтарилган тақдирда ҳам бунинг учун чиқарилган облигацияларни бир йил ичида ким сотиб олади? Бу ерда гап қарзни тўлаш ҳақида эмас, балки янги қарзни чиқариш хусусида кетаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон молиявий инқирози давом этаётган бир шароитда Американинг 2-4 триллион доллар миқдоридаги қимматбаҳо қоғозларини сотиб оладиган харидор ҳам, пул ҳам йўқ. Буни дунёнинг бошқа ривожланаётган давлатларидаги молиячилар ҳам яхши тушуниб турибдилар. Масалан, Греция қарзи ЯИМнинг 140 фоизидан ошиб кетган. Энг ёмони — қарз йилига яна 20 фоиз «туғаяпти». Япониянинг қарзи ЯИМнинг 200 фоизидан, Италияники эса 120 фоиздан ошиб кетган.

Кўриниб турганидек, АҚШнинг қарзларини сотиб оладиган мамлакатлар сони қисқариб бораяпти. Чунки мавжуд шароитда ҳар бир давлат фақат ўз ички иқтисодиётига сармоя киритишдан бошқа нарсани ўйламаяпти. Бу эса глобал инқироздан кейин сайёрамиздаги молиявий вазият буткул ўзгарганини кўрсатади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аҳвол шу даражага етдики, АҚШ президенти яқин вақтларда федерал хазинада пенсияларни ўз вақтида тўлаш учун пул топилмай қолиши мумкинлигини таъкидлади. Демак, 2 августгача давлат қарзи лимити билан боғлиқ муаммо ижобий якун топмаса, 27 миллион кишининг пенсия таъминотидан маҳрум бўлиши хавфи туғилади. Шундоқ ҳам 2011 молиявий йилда мамлакатда бюджет тақчиллиги тахминан 1,5 триллион долларга етиши кутилаётган бир пайтда аҳвол шу тарзда давом этиб, инқироздан чиқиш йўли топилмаса, Вашингтон ўтган асрнинг 30-йилларидаги Буюк турғунлик даврини қайта бошдан кечириши эҳтимолдан холи эмас.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, давлат қарзи чегараси фақат АҚШга хос тушунча. Мамлакат Конгресси 1917 йилда қарзнинг максимал даражасини белгилаган ва ўшандан бери кўтариб келади. 2000 йиллардан бошлаб эса бу лимитни тез-тез ўзгартиришга тўғри келди. Кузатувчиларнинг фикрича, шу вақт оралиғида қарз чегараси 10 маротаба оширилган. Сўнгги ўнйилликларда АҚШнинг пул босиш дастгоҳлари Ироқ ва Афғонистондаги «қимматбаҳо» урушлар ҳамда 2008-2009 йиллардаги чуқур молиявий-иқтисодий инқироз туфайли тинимсиз ишлатилди. Агар бундан 30 йил муқаддам давлат қарзи ҳажми 908 миллиард АҚШ доллари атрофида баҳоланган бўлса, 1982 йилга келиб 1 триллионга, 1996 йилда эса 5 триллионга етди. 10 триллионли кўрсаткич эса 2008 йилда қайд этилиб, бунга тушкунлик туфайли солиқ йиғимларининг сезиларли камайиши, ўз навбатида, ҳукуматнинг ижтимоий дастурлар ва ишсизликка қарши курашга катта маблағ сарфлаши сабаб бўлди.

Яна бир масала: кейинги вақтларда ишлаб чиқаришдан кўра истеъмол қилишга одатланган "биринчи рақамли давлат" қўрқмасдан қарз олишга, хорижий инвестициялар ҳисобига кун кечиришга ўрганиб қолди. Иқтисодий тизим фаолияти эса молиявий пирамидани эсга солади. Чунки эски қарзлари ва дивидендларини тўлаш учун мунтазам равишда янги кредиторлар ва сармоядорларга муҳтожлик сезаяпти. Аммо бундай ҳолат америкалик экспертларни ташвишга солмаяпти. Уларнинг фикрича, мамлакат шу қадар қудратлики, бундан буён ҳам ҳеч қандай муаммосиз катта миқдорда қарзлар олавериши мумкин. Бироқ европалик экспертлар бошқача фикр билдирдилар: «Америка боши берк кўчага кириб қолган ва бу кўчада унинг «улкан оёғи» чалишиб кетмоқда. Айниқса, турли фронтларда уруш олиб бориш ҳамда ҳарбий ва фазовий дастурларга катта миқдорда маблағ сарфлайвериш уни қарздорлик домига ботираяпти».

Шу ўринда мамлакат иқтисодиётининг оғриқли нуқталари ҳақида ҳам тўхталмоқ жоиз. Вашингтон дунёни доллар игнасига ўтқазиб, рақибларига ўз қўли билан ўлим келтирувчи қуролни туҳфа этди, дейиш мумкин. Чунки айни вазиятда жаҳоннинг бир неча йирик давлати якдил фикрга келиб, захира валюта сифатида Америка долларидан воз кечиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Иккинчидан, бугунги кунда ҳатто учинчи дунё мамлакатларининг ҳам гегемонга таъсир кўрсатиш воситалари мавжуд. Яъни, ХВЖдан катта миқдорда кредит олган мамлакатлар уни қайтаришдан бош тортишлари хавфи ҳам йўқ эмас. Учинчидан, Америкага унинг энг йирик кредиторлари, айниқса, АҚШнинг 1 триллион доллар миқдоридаги давлат облигацияларини сотиб олган Хитой истаган пайтда уларни ортга қайтариши мумкин. Демак, у ёки бу тарзда келишилган хатти-ҳаракатлар орқали буюк давлатнинг инқирози янада чуқурлашиб кетиши ҳеч гап эмас.

## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### 90 млн. долларлик музей



Ҳиндистон шарқидаги Калькутта шаҳрида Осиёнинг энг катта санъат музейини барпо этиш режалаштирилмоқда. Маълумотларга қараганда, унинг бюджети 90 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, қурилиш ишлари тахминан 2015 йилда якунланади. Бир йўла 1,5 минг кишини қабул қила оладиган санъат даргоҳи 44 та галерея, киносарой, кутубхона ва амфитеатрдан иборат бўлади.

Эслатиб ўтамиз: Калькутта 1911 йилга қадар Ҳиндистоннинг пойтахти ҳисобланган.

### Қонун кучи уч кунга етди




Эквадорнинг Лос-Риос провинциясида қўлбола алкоголли ичимликлар оқибатида оммавий заҳарланиш ҳодисаси рўй бергач, мамлакат ҳукумати спиртли ичимликлар савдосини уч кунга тақиқловчи қонун қабул қилган эди.

Ўтган икки кун ичида контрафакт алкоголдан ҳалок бўлганлар сони 23 нафарга етган. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари сешанба куни маҳаллий вақт билан соат 16 да кучга кирган қонунни бузган 174 нафар шахсни ҳибсга олди. Сотувга чиқарилган 4,5 минг литрдан зиёд ичимлик эса мусодара қилинди.

Провинция касалхоналарида метанол қўшилган ичимликдан заҳарланган 100 нафардан зиёд киши даволанмоқда.

Кеча соат 16:00 да ичкиликбозликка қарши қонун ўз кучини йўқотди.

### Тилсиз ёв Канадада



Канададаги Онтарио провинциясининг тахминан 1,5 минг нафар аҳолиси ўрмон ёнғинлари сабабли ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлди.

Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган мазкур ҳудудда жами 94 та фаол ёнғин ўчоқлари қайд этилган.

Айни вақтда 2 мингта ўт ўчириш машинаси, 117 та самолёт ва 80 та вертолёт ёрдамида ёнғинни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда. Аммо ҳукумат яна 500 та ўт ўчириш машинасини сафарбар этишга ҳозирлик кўраяпти. Иссиқ ҳаво камлик қилгандек, ҳудудда кучли шамол эсаётгани вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

### Зилзиладан кейинги тўфон

Икки кундирки, Япониянинг жанубида «Маон» тўфони давом этмоқда. Табиий офат туфайли мамлакатнинг кўплаб шаҳарларида электр тармоқлари ишдан чиққан. Аҳоли пунктларининг бир қисмида сув тошқинлари юз бераётганлиги учун фуқаролар бошқа ҳудудларга кўчирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, энг кучли бўлиши кутилаётган тўфон Овасэ кўрфазидан 70 километр узоқликда ҳаракатланаяпти. Табиат инжиқлиги сабабли мамлакатда транспорт ҳаракати издан чиқиб, 300 га яқин авиарейс бекор қилинган. 100 та маҳаллий тезюрар поездлар қатнови ҳам тўхтатилган. Токио ва Осаканинг катта автомагистраллари ёпиб қўйилган.

### Пекин — Лондон ва Токиони ортда қолдирди

Яқин 5 йил ичида Хитой пойтахти аҳолисининг 22,6 миллионга етиши кутилмоқда. Мамлакат Ижтимоий фанлар академияси томонидан нашр этилган китобда қайд этилишича, аҳоли зичлиги жиҳатидан Пекин аллақачон Лондон ва Токиодан илгарилаб кетган.

Айни вақтда Пекинда 1 квадрат-километр майдонда 7873 киши истиқомат қилаяпти. Бу кўрсаткич Лондонда 5437, Токиода эса 5984 квадрат-километрдан иборатдир.

***Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.***



## Сўранг, жавоб берамиз!

### Кредит «Иккиламчи бозор»га ҳам тааллуқли

«Яқинда оила қурган ўғлим турмуш ўртоғи билан иккиламчи бозордан уй сотиб олмоқчи. Айтингчи, улар ана шу мақсад учун банкдан ипотека кредити олишлари мумкинми? Ёки бундай кредитлар фақат янги қурилаётган уйлар учун ажратиладими?
**Саид Абдуллаев, Тошкент шаҳри».**

**— Ипотека кредитлари, шу жумладан, иккиламчи уй бозоридан турар-жой сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар яшаш жойида рўйхатдан ўтган, берилаётган кредит муддатини ҳисобга олган ҳолда 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, кредит шартномасидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажара оладиган фуқароларга берилади. Бунинг учун фарзандларингиз тижорат банкларининг турар-жойларидаги филиалларига мурожаат қилишлари лозим, — дейди «Ипотекабанк» АТИБ «Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси» бошлиғи Дониёр Акромов. — Шу ўринда агар ўғлингиз ва келинингиз 30 ёшга тўлмаган бўлса, улар ёш оилалар учун ажратиладиган имтиёзли кредитлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, кредит ва унинг фоизларини тўлаш жараёнида қарз олувчи билан бир манзилда яшовчи, айтайлик, унинг турмуш ўртоғи ёки яқин қариндошлари ҳам иштирок этишлари мумкинлигини таъкидлаш жоиз.**

### Мерос кимга ўтади?

«Агар фермер хўжалиги раҳбари меҳнат лаёқатини йўқотса ёки вафот этиб қолса, хўжалик мерос сифатида қайта расмийлаштириладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.
**А.РАВШАНОВ, Қашқадарё вилояти».**

**"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ фермер хўжалиги раиси вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати даврида мерос бўйича ўтади. Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига ҳам эга. Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади. Ер участкасини ижарага олишда тарафлар келишувга эришмаган тақдирдагина суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.**
*Ҳикматилло ЮЛБАРИСОВ, Қибрай тумани Давлат нотариал идорасининг бош нотариуси.*

# Ўзбек автомобилсозлигининг қалдирғочи — «General Motors Uzbekistan» 15 ёшда

**Бу сана, шубҳасиз, мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган энг муҳим саналардан биридир. 15 йил аввал мазкур корхонада 1,5 миллионта автомобиль ишлаб чиқарилади, дейилганида, кимдир ишонган, кимдир ишонмаган эди. Аммо мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ана шундай натижага эришиш имконини берди. 1996 йилда 25 мингта замонавий автоулов тайёрланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 218 мингтага етди. Жорий йилда эса қўшма корхона жамоаси 225 мингта замонавий машина ишлаб чиқаришни режалаштирган**

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»



Жаҳон амалиётидан маълумки, автомобиль саноатида яратилган битта иш ўрни турдош соҳаларда камида еттита иш ўрни яратилишига олиб келади. Бугун Асакадаги заводга бутловчи қисмлар етказиб бераётган ўнлаб корхоналар фаолияти ҳам буни кўрсатиб турибди.

Шу ўринда «General Motors Uzbekistan» бугунга келиб ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда ҳамдўстлик давлатларида 250 дан зиёд дилерлик тармоқлари мавжуд бўлиб, улар томонидан изчил иш олиб борилмоқда. Қувонарлиси шундаки, ўзбек машиналари Россияда хориж машиналари ичида энг харидоргир ўнталикдан ўрин эгаллади. Мамлакатнинг 100 та йирик шаҳрида дилерлик тизими йўлга қўйилди. Озарбойжоннинг Хачмас, Масалли ва Ленкоран шаҳарларидаги марказлар ҳам, Туркманистоннинг Тошҳовуз ва Туркманобод, Туркманбоши ва Болқонобод шаҳарларида ҳам ўзбек автомобилларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда.

Кези келганда бугун бошқа бозорларда ҳам сотув ҳажмини ошириш юзасидан изчил ишлар олиб борилаётганини айтиш жоиз. Унинг натижаси ўлароқ, Асака автомобиллари ўтган йили Қозоғистонда 2009 йилга нисбатан икки баробар кўп харид қилинди. 2010 йилда эса Украинада ўзбек автомобилларининг харидорлари 20 фоизга ортди.

Ўтган йили «Россияда йил автомобили» кўрик-танловида «Шевроле Спарк» «Шаҳар автомобиллари» номинациясида ғолиб, деб топилиб, ўзбек автосаноати довруғини янада оширди. Россия Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, Ўзбекистон ушбу мамлакатга автомобиль экспорт қилувчи давлатлар орасида Япония ва Германиядан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Россияга 2010 йилнинг айни даврига нисбатан 40 фоиз кўп автомобиль экспорт қилинганини ҳам бу борадаги натижаларнинг ниҳоятда асосли эканидан далолатдир.

Европа бизнес ассоциациясининг Автомобиль ишлаб чиқарувчилар қўмитасидан хабар қилинишича, айни пайтда Россия автомобиль бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш бўйича «Mitsubishi», «Skoda», «Opel», «Peougeot», «Suzuki», «Mazda» каби савдо маркалари, ҳатто ГАЗ ва УАЗ сингари маҳаллий компанияларни ортда қолдириб, ўнинчи ўринни эгаллаган Асака автомобиль заводи июнь ойида россиялик дилерларга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоиз кўп, яъни 5454 та «Nexia» ҳамда 32 фоиз кўп — 3948 дона «Matiz» сотишга муваффақ бўлган.

Жорий йилнинг икки чорак якунларига кўра эса мазкур мамлакатнинг энг харидоргир автомобиллари рўйхатида «Nexia» (26907 та) 9-ўринни банд этган бўлса, «Matiz» (19030 дона) 16-поғонадан мустаҳкам ўрин эгаллади.

# Ёшлар, «ZiyoNET» ишончингизни оқлайди

**2004 йили халқ таълими тизимидаги мактабларнинг 1431 таси (14,7 фоизи) замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган бўлиб, 2010-2011 ўқув йилида бу кўрсаткич 66,5 фоизга етди**

Жорий йил охиригача эса бюджет маблағлари ҳисобидан яна 806 та ана шундай таълим масканларини ўқув компьютер синфлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Аҳамиятлиси, тизимдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 96 фоизи бугун «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғига уланган.

Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги учрашувда умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчиларни интернет тармоғи орқали тарқатиладиган хавфли ахборотлардан сақлаш мақсадида вазирлик тизимидаги деярли барча мактаблар айнан ўқувчилар учун ишлаб чиқилган жамоатчилик таълим тармоғига улангани, ўз навбатида, таълим масканларида информатика фани ўқитувчилари сонини ошириш учун кенг кўламли чоралар кўрилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Мактаб ёшидаги ўғил-қизларимиз қалбига ёт ғоялар сингдирилмаслиги учун авваламбор, уларда иммунитет ҳосил қилиш керак, — деди Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков. — Масалан, «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғидан фойдаланувчи ўқувчи манбанинг «Таълим», «Абитуриент», «Имкониятлар», «Кутубхона», «Арбоблар», «Тадбирлар», «Муассасалар» каби бўлимлари орқали ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб олиши мумкин. Энг муҳими, ушбу тармоққа мурожаат қилган ўқувчилар бошқа сайтларга киришга эҳтиёж сезмай қоладилар. Шундай бўлса-да, «интернет-кафе»ларни ўрта таълим масканларидан 500 метр узоқда жойлаштириш лойиҳаси амалга ошса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Матбуот анжуманида, шунингдек, халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ота-оналарга ўз фарзандларининг фанларни ўзлаштириши, дарс жадвали, мактабдаги тадбирлар ҳақидаги маълумотлардан воқиф бўлиш имконини берувчи «электрон кундаликлар», JAVA иловалар ишлаб чиқилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

## «Терминал-3» имконияти 400 нафарга мўлжалланган

"Тошкент" аэропортида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ишга туширилиши режалаштирилган аэровокзалда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Мазкур иншоот "Ташгипрогор" ОАЖ томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, қиймати 90 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этади. Халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган икки қаватли мажмуа соатига 400 кишини ўтказиш имкониятига эга бўлиб, маҳаллий йўналишларга хизмат кўрсатади.

## Энг қиммат чипта эгаси маълум бўлди



2015 йилда уюштирилиши режалаштирилаётган ва энг қиммат, дея баҳоланаётган коинот сафарига фақат икки киши танланиши айтилмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, чипта баҳоси 150 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Аммо шу пайтгача энг қиммат чипта эгаси сир тутилаётган эди. Куни-кеча машҳур «сайёҳ»нинг исми-шарифи матбуотда эълон қилинди. У дунёга машҳур кинорежиссёр, «Титаник", «Аватар" каби машҳур киноасарлар ижодкори Жеймс Кэмерондир.

Таниқли режиссёр сувости кемаларида Атлантика океан тубига саёҳат қилиб, иккита — «Тубсиз" ва «Титаник" асарларини яратган. Машҳур юлдуз Ой сафаридан қайтгач, коинотга боғлиқ яна бир ажойиб киноасар тақдим этса, ажаб эмас!

***Мусурмон Рўзиев тайёрлади.***




Ёз чилласининг ўрталарига тўғри келадиган ҳафта давомида мамлакатимизнинг барча минтақаларида қуруқ ва иссиқ ҳарорат сақланиб туради. Ёғингарчилик кутилмайди. Магнит майдонининг инсон соғлиғига жиддий таъсир этмайдиган даражада бироз фаоллашадиган муддати эса бугунги ва эртанги кунларга тўғри келади. Ҳафтанинг қолган кунлари бу борада ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмайди.

Фарғона водийси вилоятларида ҳаво ҳарорати 22-24 июль кунлари энг юқори нуқтага етиб, кечаси 18-23, кундузи эса 35-37 даражага етиши, кейинги ҳафта бошида эса бироз пасайиб, термометр кўрсаткичлари тунда 16, кундузи 30 даражани қайд этиши кутилмоқда.

Сирдарё, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларида эртанги ва индинги кунлар мобайнида 34-36 (кечаси 20-22) даражагача қизиши тахмин қилинаётган ҳарорат кейинги кунларда секин-аста совийди.

Мамлакатимизнинг жанубий минтақаси — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам ҳафта давомида ҳаво очиқ бўлади. Ҳарорат кечалари 21-26, кундузи эса 33-39 даражани ташкил қилади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида 22 июль куни кечаси 23-25 даражага кўтариладиган ҳаво ҳарорати, кундузи 38-40 га етиши кутилмоқда. Дам олиш кунлари ва янги ҳафтанинг биринчи ярмида кечаси 18-22 даражани қайд этиши тахмин қилинаётган термометр, кундузлари 35-38 даражани кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам чиллага хос ҳаво кузатилади. Кечалари 18-24, кундузлари 35-38 даража иссиқ бўлади.

Пойтахтимизда бугун кундузи 37-39 даражага етиши кутилаётган ҳарорат, эртадан пасая бошлайди ва 25-26 июль кунлари кечаси 14-16, кундузи 32-34 даражани ташкил этади.










XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.

БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 2317. Тираж: 10 264
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 00:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, Ш.ХЎЖАЕВ.